

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ, ЎЗБЕКИСТОНДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ,
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

**ОБРАЗОВАНИЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА, ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ
ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В УЗБЕКИСТАНЕ, ПРИОРИТЕТНЫЕ
НАПРАВЛЕНИЯ И МЕХАНИЗМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГАРАНТИЙ
ПРАВ ЧЕЛОВЕКА**

**HUMAN RIGHTS EDUCATION, HUMAN RIGHTS DEVELOPMENT
TENDENCIES IN UZBEKISTAN, PRIORITY DIRECTIONS AND
MECHANISMS OF PROVIDING HUMAN RIGHTS GUARANTEES**

Абдурахмонов Тошмурод Дилмуроджон ўғли Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти

*(Илмий раҳбар: Б.Н. Рашидов Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, ю.ф.д, профессор)*

Аннотация:

Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган тизимли ва изчил ишлар, инсон ҳуқуқларининг миллий қонунчилик тизимидаги ўрни, бугунги кундаги инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастури, унинг истикболли вазифалари ҳамда мазмун моҳияти ёритилган.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар, Инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари, Инсон ҳуқуқлари категорияси, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсати, Миллий стратегия, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим.

Аннотация:

В статье описывается системная работа, проводимая в области прав человека в нашей стране сегодня, место прав человека в национальной правовой системе, важные направления государственной политики по обеспечению прав человека на сегодняшний день, образовательная



программа по правам человека. права, его предполагаемые задачи и содержание.

Ключевые слова: права человека, международные документы по правам человека, механизмы обеспечения соблюдения прав человека, категория прав человека, государственная политика в области прав человека, национальная стратегия, образование в области прав человека.

Abstract: The article describes the systematic work carried out in the field of human rights in our country today, the place of human rights in the national legal system, the important directions of the state policy on ensuring human rights today, the educational program on human rights, its prospective tasks and content.

Key words:

Human rights, International documents on human rights, Human rights enforcement mechanisms, Human rights category, State policy in the field of human rights, National strategy, Education in the field of human rights.

“Инсон ҳуқуқлари” тушунчаси умумман олганда кенг қамровли ва моҳиятан кенг тушунча. Инсон ҳуқуқлари ҳақида гапирар эканмиз аввало ҳар биримиз инсонинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англашимиз даркор. Асрлар ўтибдики инсон ҳуқуқлари тушунчаси ўзининг асл моҳиятини ёқотган эмас. Аксинча йиллар давомида сайқалланиб инсон учун имконият ва кафолатлар замирини яратувчи тушунча сифатида ижтимоий ҳаётда гавдаланмоқда. Инсон ҳуқуқлари инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги, қонунларда белгилаб қўйилган имкониятларни ифодалайди. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга ўзининг инсоний сифатларини, ақлий қобилиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш ҳамда табиий ва бошқа эҳтиёжларини қондириши имкониятини беради. *Универсал қимматга эга бўлган **инсон ҳуқуқлари**, Ўзбекистон Республикасининг жамият ҳаётининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолиятининг концептуал асосини ташкил этади. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари устуворлигини сўзсиз тан олади ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ўзининг стратегик муҳим вазифаси сифатида кўради.*



“Инсон ҳуқуқлари” тушунчаси бугунги ижтимоий ҳаётда ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлмоқда бу айнан инсон ҳуқуқларини босқичма босқич такомиллаштириш ва кенг миқёсда амалга ошириш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан **Профессор А.Х.Саидов ўз фикрларида қуйидагича сўз юритади**, — “*умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари*” *атамаси халқаро ҳужжатлар аҳамиятини “халқаро стандартлар” атамасидан кам бўлмаган даражада акс эттиради*” чунки улар давлатлараро даражада ишлаб чиқилади, давлатлараро ҳамкорликни тартибга солишга мўлжалланади. Дарҳақиқат инсон ҳуқуқлари бу умум эътироф этилган ҳамда барча давлатлар учун умуммажбурий характердаги бўлган инсонларнинг жамиятдаги нормал фаолиятини белгилаб беради. Ҳар қандай илғор демократик давлатда инсон ҳуқуқлари олий кадрият сифатида қаралади. Жумладан амалдаги қомусимизда ҳам, инсон ҳуқуқлари олий кадрият сифатида эълон қилинганлиги фаол фуқаролик жамияти қуриш ёлидан бораётган давлатимизнинг танлаган ёлининг нақадар истиқболли эканлигидан далолат беради. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни босқичма-босқич юксалтириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимимизни тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.¹ Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш соҳасидаги айниқса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятда аввало ҳар бир шахс учун ушбу соҳадаги дастлабки кўникмаларни шакллантириш зарур. Бунинг учун эса таълим-тарбиянинг ўрни, аниқроқ қилиб айтганда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Кўплаб халқаро шартномалар мазкур шартномаларнинг мазмуни билан аҳолини хабардор қилиш мажбуриятини давлатга юклайди. Мисол учун, БМТ томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги

¹ Конституциявий ҳуқуқ Дарслик Ў.Х.Мухамедов,Н.П.Азизов,Б.А.Саидов ва бошқалар.Т:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2021 88-89



конвенциянинг 42-моддасида шундай дейилган: “Иштирокчи давлатлар тегишли ва таъсирли воситалардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг тамойиллари ва қоидалари ҳақида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар”³. Бундан кўриниб турибдики халқаро меъёрлар билан инсон ҳуқуқлари таълими, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини белгилаб беради ва давлатлар ушбу мажбуриятларни бажариш орқали фуқароларнинг онгида инсон ҳуқуқлари бўйича тушунча ва кўникмаларни, инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантиради. **Инсон ҳуқуқларини ўқитиш** — фуқаролар юридик таълимнинг таркибий қисми ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни кетаётган, ҳуқуқий давлат куриляётган ҳамда адолатли фуқаролик жамияти шакллантириляётган ҳозирги шароитларда айниқса долзарб аҳамият касб этади.² Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш ва пировардида миллат даражасида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя қилишни ривожлантиришга қаратилган маданиятни шакллантириш лозимдир. Инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари, шахс ҳуқуқларини конституциявий кафолатини амалга оширишнинг зарурий шarti бўлиши керак. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим барчанинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя қилинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай таълим ўз навбатида фаол фуқаролик жамияти куриш мақсадини шаклланишига ҳуқуқ ва эркинларини англаш ўз мажбуриятларига амал қилишни назарда тутувчи инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича мақсадли иш олиб борилмоқда, қонун ҳужжатларининг бутун бир тизими ишлаб чиқилган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар муваффақиятли ишлаб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2004-йил 10-декабрда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

² Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси А.Х. Саидов, М.Т. Турғунов, А.А. Матчанов, Ш. Ғ. Ғойибназаров Л. Ғ. Исхакова, У.Ш. Нурбоев, А.Т. Ниёзов, У.Т.Таджибаев А.А. Саидов, И.Т. Турғунов – Дарслик Тошкент-2012



“Жаҳон таълим дастурини” қабул қилган. Ушбу таълим дастури 4 босқичда:

1-босқич 2005-2009-йилларда ўрта таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёнларини қамраб олди.

2-босқич 2010-2014-йилларда Олий таълим муассасаларида шунингдек ўқитувчи-мураббийлар ва давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимига бағишланди.

3-босқич 2015-2019-йилларда ОАВ вакилларида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилди.

4-босқич 2020-2024-йилларда эса инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугунги кунга келиб ушбу таълим дастурининг

1-2-3-босқичи ижобий натижалар билан амалга оширилиб 4-босқичини самарали амалга ошириш ишлари бошланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.³

Бугунги кунда жаҳонда вужудга келган кескин сиёсий вазият инсон ҳуқуқлари муҳофазаси масаласини нечоғлик муҳим вазифа эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда кишилик жамиятида инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэтироф этилган далилдир. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини беқиёс албатта демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шarti асосий ҳуқуқ ва эркинликларни умумэтироф этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг самарали механизмини яратиш ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ер юзида

³ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси А.Х. Саидов, М.Т. Турғунов, А.А. Матчанов, Ш. Ғ. Ғойибназаров Л. Ғ. Исхакова, У.Ш. Нурбоев, А.Т. Ниёзов, У.Т.Таджибаев А.А. Саидов, И.Т. Турғунов – Дарслик Тошкент-2012 67-72



ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий ҳуқуқий қарашларининг энг юқори даражада кўриниши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. «Инсон — давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари — инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси — бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.⁴ Мукамал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шарти, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонун ости ҳужжатларини қонунларга кўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.⁶ БМТ Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари асосий ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда. Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бир қанча меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт категорияга ажратиб таърифлаш мумкин. *Биринчи гуруҳ шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, Иккинчи гуруҳ сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, Учинчи*

⁴ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси А.Х. Саидов, М.Т. Турғунов, А.А. Матчанов, Ш. Ғ. Ғойибназаров Л. Ғ. Исхакова, У.Ш. Нурбоев, А.Т. Ниёзов, У.Т.Таджибаев А.А. Саидов, И.Т. Турғунов – Дарслик Тошкент-2012 32-33



гуруҳга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар, Тўртинчи гуруҳга маданий ҳуқуқ ва эркинликларни. Инсон ҳуқуқлари категориясида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ўрни албатта муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда шахсий ҳуқуқлар бу инсонинг ўз ҳаётидаги эркинлигини таъминлайди. Унга ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-бобида мустақамлаб қўйилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги нормаларга тўлиқ мос келади.

Бундай ҳуқуқларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: 1. Яшаш ҳуқуқи, 2. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, 3. Айбсизлик презумпцияси, 4. Ўтиқод эркинлиги, 5. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи, 6. Уй жой дахлсизлиги ҳуқуқи. Шу ўринда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига тўхталсак, одатда фақат муайян давлат фуқароларига тегишли бўлган ва давлатнинг сиёсий ҳаётида давлат ва жамият ишларини бошқариш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардир.

Амалдаги конституциямизда сиёсий ҳуқуқлар тизимига: 1. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи; 2. Йиғилишлар намоёишлар, митинглар ўтказиш ҳуқуқи; 3. Турли уюшмаларга, сиёсий партияларга бирлашиш; 4. Давлат ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиш ҳуқуқи; 5. Сўз эркинлиги ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлар киритилган. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ўз моҳиятига кўра муайян моддий-маънавий неъматларга нисбатан бўлган ҳуқуқдир. Инсонинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда унинг ҳуқуқлари асосий ўринда бўлади. Шу нуқтаи назардан бундай ҳуқуқлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради. Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг мулкрий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралди. Бунинг мутлақ ечими сифатида эса Бош қомусимиз қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида алоҳида ўринга эга. **Жумладан, Бош қомусимизда қуйидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар қафолатланган:** 1. Меҳнат қилиш



ҳуқуқи, 2. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, 3. Хусусий мулк ҳуқуқи, 4. Ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, 5. Дам олиш ҳуқуқи, 6. Билим олиш ҳуқуқи, 7. Тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, 8. Маданий ютуқлардан фойдаланиш ҳуқуқи, 9. Илмий-техникавий ижод эркинлиги. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини “шахс-жамият-давлат” механизми акс эттиради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.М.Мирзиёевнинг *“Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир”*⁵ деб таъкидлаганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг чинакам механизмини йўлга қўйилаётганлигининг алоҳида бир исботидир. Шу ўринда инсон ҳуқуқи ҳақида сўз борганда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси” нинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиш зарур, *“1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва (ёки) унинг таъсири остида мазкур қоидалар киритилган”*.⁶ Юқорида таъкидлаб ўтилганидек кейинчалик, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. **Ж у м л а д а н :** Аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция (1979-йил.); Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (1989-йил.); Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984-йил.); Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1965-йил.); Меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция (1990-йил.); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (2006-йил.) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг ислом тизими манбалари сифатида: Инсон ҳуқуқлари

⁵ Конституциявий ҳуқуқ Дарслик Ў.Х.Мухамедов,Н.П.Азизов,Б.А.Саидов ва бошқалар. Т:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2021

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2020 йилдаги ПФ-6012 сон “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони.



Умумислом Декларацияси (1981-йил); Исломда инсон ҳуқуқлари қоҳира декларацияси (1990-йил); Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси (1994-йил). Умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг европа тизими манбаларига еса қуйидагилар киритишимиз мумкин: Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси (1950-йил.); Қийноқлар ва инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича Европа конвенцияси (1987-йил.); Европа ижтимоий хартияси (1961-йил.). Ушбу келишувлар ичида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Олий Мажлис томонидан 2019-йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 22-июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Стратегияси қабул қилинди. Миллий стратегия ижросини таъминлаш мақсадида Олий ўқув юртлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этилиши белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ривожланиш босқичлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлиги билан таърифланади. Мустақиллик йиллари инсон ҳуқуқлари ғояси фуқароларнинг онгидан мустаҳкам ўрин олди ва бу шу йиллари мамлакатда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар билан боғлиқдир. Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсат соҳасида янгиланиш ва тараққиётнинг ўз мустақил йўлини танлади. Мамлакатимиз универсал



халқаро ташкилотларга, шунингдек етакчи минтақавий халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва улар фаолиятида фаол қатнашди, улар ичида БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари асосий ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон сиёсатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар шаклланди. Жумладан уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: **биринчидан**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий манфаатларнинг устуворлиги; **иккинчидан**, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлиги; **учинчидан**, ўз халқаро мажбуриятлари билан умумэтироф этилган демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлик; **тўртинчидан**, миллий манфаатлардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Ушбу принципларга асосланиб мамлакатда халқаро стандартларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларига жорий этиш амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини ривожлантириш асосий масаласи бу халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини самарали бажаришдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги даврда инсон, унинг ҳуқуқлари эркинликларини ҳуқуқга ҳилоф тажовужлардан ҳимоя қилиш, давлатлар томонидан миллий қонунчилик тизимининг фундаментал асоси сифатида инсон ҳуқуқлари гавдаланиши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг аниқ ва функционал йўлга қўйилиши, ёшларда уларнинг онгида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ўз олдига чинакам ҳуқуқий ижтимоий давлат қуриш ёлини танлаган давлатларнинг бош мақсади бўлиши керак. Бугунги кунда ер юзи аҳолисининг 1,85 миллиардини ёшлар ташкил этади. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики инсон ҳуқуқлари соҳасида ёшлар таълими алоҳида ўринга эга. Инсон, унинг ҳуқуқлари олий кадрият эканлигини жамиятимизда шаклланиб бораётган ёш авлодга ўргатиш уларнинг онгига сингдириш бош ва асосий мезон бўлиши зарур.

Зеро, фаол фуқаролик жамияти қуришнинг олий мезони бу инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун билан муҳофазалаш, уларнинг ижтимоий онг ва маданиятини шакллантиришдир. Бундай вазифани эса албатта



таълим йўли билан келажак авлоднинг онг-у шуурига сингдириш ҳаётий ҳақиқати, давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. www.lex.uz
3. Бола ҳуқуқлари ўғрисида конверсия.
4. Ўзбекистон Республикаси Юридик энциклопедияси
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-46-сон қарори. www.lex.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2020 йилдаги ПФ-6012 сон “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони. www.lex.uz
7. Инсон ҳуқуқлари уммумий назарияси А.Х. Саидов, М.Т. Турғунов, А.А. Матчанов, Ш. Ғ. Ғойибназаров Л. Ғ. Исхакова, У.Ш. Нурбоев, А.Т. Ниёзов, У.Т.Таджибаев А.А. Саидов, И.Т. Турғунов – Дарслик Тошкент-2012
8. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури 1997-йил 29-август, 466-И-сон www.lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш” тўғрисида 2019-йил 9-январдаги, ПФ-5618-сон фармони. www.lex.uz
10. Конституциявий ҳуқуқ Дарслик Ў. Х. Мухамедов, Н. П. Азизов, Б. А.Саидов ва бошқалар.Т:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2021
11. “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” ВМ 1996-йил 13-ноябрдаги 399-сон www.lex.uz

Электрон манбалар:

1. www.lex.uz
2. www.iiv.uz
3. www.stat.uz
4. www.akadmvd.uz
5. www.pm.gov.uz
6. www.gov.uz
7. www.minjust.uz
8. www.insonhuquqlari.uz .

